



“...Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келајсагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унудишига бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”¹.

“Бундан юз йил муқаддам буюк ўзбек шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли – Чўлпон “Адабиёт яшаса, миллат яшар!” деган оташин даъват билан майдонга чиққан эди. Ҳаёт ва тарих синовларидан ўтган теран маъноли бу сўзлар бугун ҳам ўз аҳамияти ва қумматини йўқотган эмас. Дарҳақиқат, адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди”².

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ВАТАНПАРVARЛИК ТУЙFУСИНИ ШАКЛАНТИРИШДА ТАРИХИЙ, АДАБИЙ-БАДИЙ МАНБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Абдулҳамид Чўлпон ижоди мисолида

Умида ШЕРМАТОВА,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (*PhD*),
Тошкент вилояти
Чирчиқ давлат педагогика институти

Умумий ўрта таълим тизимида миллат ва ватан тарихига дахлдор аждодларимиз меросини ўрганиш ватанпарварлик тарбияси билан боғлиқ маънавий-интеллектуал эҳтиёж натижасида юзага келганлиги, ана шу зарурат туфайли адабий таълим жараёнида ўқувчиларда Ватан тарихини чуқур ўрганиш,

маънавий-маданий меросимизга эҳтиром уй-фотиш, Ватанга муҳаббат туйфусини камол топтиришда тарихий, адабий-бадиий манбалар жамиятни истиқболга элтувчи восита, мустаҳкам заминга эга ижтимоий омил вазифасини ўташи Чўлпон ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тарихий, адабий-бадиий ман-

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маъруза. 2017 й. 4 август // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти – www.president.uz.

² Мирзиёев Ш.М. “Ўзбек мұмтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишининг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига. 2018 й. 7 август // www.president.uz.





баларни ватанпарварлик тарбияси нуқтаи назаридан педагогик муаммо сифатида ўрганишнинг илмий-назарий асосларини ташкил этиши хусусида фикр юритилади.

Ватанпарварлик – бу, ўз шахсий манфатларини Ватан ва унда истиқомат қилувчи ҳалқ манфаатлари билан уйғунлиқда кўра олиш, Ватан равнақи йўлида камарбаста бўлиш, Ватан истиқболи учун керак бўлса ўз жонини тикишдир.

Юксак маънавий қадрият ҳисобланган Ватан тимсоли ватанпарварлик тарбиясининг туб моҳиятини ташкил этиши билан узлуксиз таълим тизимида педагогик муаммо сифатида ёшларда ватанимиз шонли тарихига ҳурмат, истиқболига ишонч уйғотиш билан бирга, миллий ва умуминсоний қадриятларни такомиллаштириш, инсонпарварлик, дўстлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, қаҳрамонлик, бунёдкорлик хислатларини мустаҳкамлаш орқали шахслик сифатларини камол топтиришда муҳим ўрин тутади.

Буюк ўзбек шоири Чўлпон ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тарихий, адабий-бадиий манбалар воситасида адабий таълим тизимида фанлараро интеграция методларидан фойдаланилгандагина ватанпарварлик тарбияси ўзининг ижобий натижасини беради.

Умумий ўрта таълим мактабларининг адабиёт дарсларида Чўлпон ижоди мисолида ватанпарварлик тарбиясининг педагогик имкониятлари ҳамда ўқувчиларнинг Ватанга содик шахслар сифатида шаклланиши индикаторларини аниқлаш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқиши жараёнда қўйидаги хусусаларга келинди:

Биринчи. Ахборот-коммуникация тармоғи жаҳон миқёсида жадал ривожланаётган глобаллашув ва мустақиллик шароитида ёшларни Ватанга муҳаббат, унинг истиқболи учун курашчанлик руҳида маънан ва жисмонан баркамол кишилар қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган ҳозирги даврда янги ўзбек адабиётининг бошловчилидан Чўлпоннинг бетакрор бадиий олами

ва жўшқин ижодиёти Ватанимиз ўтмишига тийрак нигоҳ билан назар ташлашга ва ундан тегишли хуласа чиқариш орқали истиқбол қадрига этиш ҳамда истиқболга қатъий ишонч, бир сўз билан айтганда, ватанпарварлик туйғусини камол топтиришда муҳим манба вазифасини ўтайди.

Иккинчи. Жаҳон таълим тизимида “ватанпарварлик” тушунчасига миллий қадрият сифатида қаралиши, унга мамлакат истиқболи, миллат генофонди, жамият тараққиётини белгиловчи муҳим ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан ёндашилиши “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, умумий таълим сифатини тубдан ошириш” билан боғлиқ давлат талаблари ижросида, хусусан, таълим-тарбия сифати ва самардорлигини кафолатлашда бошқа ижтимоий-гуманитар ўқув фанлари қаторида адабий таълим зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Учинчи. Мустақиллик шароитида таълим-тарбия тизимини модернизациялаш жамият тараққиётининг концепцуал асосларига суюниши назарда тутилса, Чўлпоннинг бадиий-эстетик, маънавий-ахлоқий қарашларини таълим-тарбиянинг миллий ва умуминсоний хусусиятлари, фанлараро алоқадорлик қонуниятларидан келиб чиқсан ҳолда педагогик нуқтаи назардан ўрганиш таълимнинг прагматик даражасини белгилайди. Кузатишлар ўқувчилар онгига тарихий, адабий-бадиий манбалардаги ватанпарварлик фояларини сингдиришда компьютер техникаси, интерактив доска, планшет каби замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш таълим олишга кучли мотивацияни шакллантиришга ёрдам беришини кўрсатди.

Тўртинчи. Жадидчилик ҳаракати дастлаб экси мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилиш, янги мактаблар очиш, яъни маърифатпарварлик характерида бўлганлиги, кейинчалик бу ҳаракат тарихий шароит тақозоси билан миллий-озодлик кураши фоясини кўтариб



чиққанлиги туфайли ўша даврда шакланаётган янги ўзбек адабиётининг бош йўналишини ҳам миллий-озодлик кураши тоғаси ташкил қилди. Бу тоға тарифотининг ёрқин далили Чўлпон ижодидир.

Бешинчи. Адабиёт тарихига назар ташланса, ҳар бир ижодкор ўзи яшайтган давр фарзанди сифатида ҳалқ ва ватан тарихининг муайян даврини қаламга олар экан, унга ўша даврнинг маънавий-ахлоқий, интеллектуал муносабати нуқтаи назаридан ёндашганини кузатиш мумкин. Бинобарин, Чўлпон ижоди ва унинг бадиий-эстетик ҳамда педагогик қарашларига ҳам шу жиҳатдан ёндашиш тарихий ҳақиқатни тўғри тушунишга ёрдам беради.

Олтинчи. Чўлпон ижоди мисолида тарихий, адабий-бадиий манбаларда Ватан туйғусининг тадқиқига оид изланишлар шуни кўрсатдики, ватан ва ҳалқ тақдиди барча замонларда ҳам адабиётнинг бош мавзуси бўлиб келган. Жадид адабиёти тарихи бунинг ёрқин далилидир.

Ватанпарварлик тарбиясининг тарихий генезиси ва унинг миллий ҳамда умуминсоний қадрият сифатида педагогик, тарихий-фалсафий ва психологияк омиллари адабий-тарихий манбалар асосида ўрганилса, **педагогика тарихи фанини бойитишга хизмат қиласи**.

Чўлпон ижодига оид адабий-тарихий манбалар педагогика ва адабиётшунослик фанлари интеграцияси асосида ўрганилса, нафақат педагогика тарихи, балки **адабиёт тарихининг миллий ўйғониш даври бўйича ҳар хил қарашларга ҳам ойдинлик киритилади**.

Чўлпоннинг педагогик ва бадиий-эстетик қарашларининг ижтимоий-тарихий, адабий-бадиий хусусиятлари ўзи яшаган даврдаги адабий-тарихий муҳит билан боғлиқликда ўрганилса, **буюк шоир феноменининг миллат ва жамият тараққиётидаги ўрнига бўлган муносабатларни уйғунлаштиришга ёрдам беради**.

Акмал Сайдов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари: “Ҳар бир таржима қилинган асар ҳалқларни бир-бирiga яқинлаштиради, маданиятлар, маънавиятлар, тилларни бойитишга хизмат қиласи. Ш. Миноваровнинг “Чўлпон Францияда” номли мақоласида қайд этилганидек, “Таржимачилик ёзма адабиёт билан бир пайтда пайдо бўлган. Агар Ибн Сино, Беруний, Улуғбек каби олимлар Птолемей, Платон, Гиппократларнинг асарларини араб тилига ва Толедода (Испания) Ўрта асрларда фаолият кўрсатган таржимачилик мактабидагилар Шарқ олимлари асарларини лотин тилига ўгирмаганларида, инсоният кўплаб илмий-маданий бойликлардан маҳрум қилинган бўларди”³.

Ҳамидулла Акбаров, “Ўзбеккино” миллий агентлиги қошидаги эксперталар кенгашининг аъзоси, профессор: “Телеэрланларда намойиш этилаётган хориж сериаларини ҳалқимиз қизиқиш билан томоша қиласи. Лекин дубляж қилинган фильмларда бир хил овозларни эшитяпмиз. Бу масалани ҳал этиш йўллари кўп. Нутқ маданиятини ўзлаштирган театр манба бўлиб хизмат қила олади. Бизнинг ҳам дунёга кўз-кўз қиласидиган муносаби киноасарларимиз йўқ эмас. Чет элларда ўзбек фильмларида актёрларимизнинг овозини сақлаган ҳолда намойиш этилишини хоҳлардим. Бугун кино соҳада олиб борилаётган сиёсатни оқил ва одил, деб биламан. Ижодий, ташкилий, иқтисодий имкониятлар яратиб берилган экан, улардан нодавлат студиялар ҳам унумли фойдаланиш керак. Шу ўринда Чўлпоннинг мулоҳазаларини эслатиб ўтсан: “Актёрга искеъдоддан ташқари маданият ҳам зарур”. Бу талабни сценарийнавис ва режиссёр, оператор ва кино рассоми, монтаж, овоз

³ Таржима санъатидан — нафис дипломатия сари // Халқ сўзи. — 2021. — 30 июль.



ёзиш санъати билан шуғулланганлар олдига ҳам қўйиш керак”⁴.

Алишер Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Академияси бошлиғининг ўринбосари, полковник: “Адабиётни ўрганиш миллий ўзликни англаш, маънавиятни юксалтиришга хизмат қиласди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўзбек адабиёти намояндаларининг ҳаёти ва ижодига бўлган эътибор янада кучайди. Маърифатпарвар адиб Абдулҳамид Чўлпон шеъриятида юртга муҳаббат ва садоқат, мустамлақа зулмiga нафрат, ҳалқнинг миллий онгини юксалтириш каби ғоялар юксак маҳорат билан қаламга олинган. Шу маънода баркамол авлод таълим-тарбиясида адиб ижодининг ўзига хос аҳамияти бор”⁵.

*Тавсия этилаётган
қўшимча манбалар:*

Усмонова С. Ўзбек ва инглиз романларида аёл руҳияти тасвири (Абдулҳамид Чўлпон ва Самуэл Ричардсон ижоди мисолида). – Тошкент, 2021.

Исломова С. Чўлпон шеърларининг матний тадқиқи ва илмий-танқидий матнини яратиш. – Тошкент, 2021.

Хожиева Ш. Чўлпон шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиш тамоиллари. – Тошкент, 2019.

Жабборова Д. Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон ижоди талқинлари (шеърияти ва насрой асарлари мисолида). – Тошкент, 2018.

Үроқова О. Чўлпон бадиий ижодининг концептуал-эстетик асослари. – Тошкент, 2018.

Педагогические условия использования исторических, литературно-художественных источников в формировании чувства патри-

⁴ Энг катта ўри — вақт ўғриси // Ҳалқ сўзи. – 2020. – 20 январь.

⁵ Чўлпон ижоди – ёшлар нигоҳида. 2020 й. 17 сентябрь // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)нинг веб-сайти – www.uz.aуз.

**отизма у учащихся
(на примере творчества Чулпана)**

Умида ШЕРМАТОВА,
доктор философии (PhD) по педагогическим
наукам,
Чирчикский государственный педагогический
институт Ташкентской области

Ключевые слова: новейшая история Узбекистана, непрерывное образование, теория педагогики, история педагогических учений, патриотическое воспитание, духовная зрелость личности, культурное мировоззрение.

Краткое содержание. Проанализированы стимулы интереса учеников к историческим, литературно-художественным источникам, выявлены показатели патриотического воспитания и духовной зрелости личности, доказана необходимость дидактического обеспечения формирования у школьников культурного мировоззрения.

**Pedagogical terms of use of historical,
literary and artistic sources in the formation
of a sense of patriotism among students
(on the example of Chulpan's creativity)**

Umida SHERMATOVA,
PhD in Pedagogical Sciences,
Chirchik State Pedagogical Institute
of Tashkent Region

Keywords: Uzbekistan's latest history, continuous education, theory of pedagogy, history of pedagogical teachings, patriotic education, spiritual maturity of the individual, cultural outlook.

Summary. The piece analyzes the ways of raising the interest of pupils in historical, literary and artistic sources, reveals indicators of patriotic education and spiritual maturity of the individual, proves the need for didactic support for the formation of a cultural worldview in schoolchildren.